



IMPROVEMENT OF CRIME LEGAL MEASURES TO COMBAT TORTURE

Omonov Zafarjon Rakhmonaliyevich

Independent researcher of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13369670>

ARTICLE INFO

Received: 18th August 2024

Accepted: 23th August 2024

Online: 24th August 2024

KEYWORDS

Torture, differentiation, continuous beatings, physical immunity against a person who is financially or otherwise dependent on the perpetrator.

ABSTRACT

The article is dedicated to the improvement of criminal law measures to combat torture, in which the norm establishing responsibility for torture in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan is legally analyzed, judicial and investigative practice, criminal legislation of some foreign countries establishing responsibility for torture is comparatively analyzed. As a result of the conducted research, proposals and recommendations have been developed for improving Article 110 of the Criminal Code, differentiating responsibility for torture.

ҚЙНАШГА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Омонов Зафаржон Рахмоналиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13369670>

ARTICLE INFO

Received: 18th August 2024

Accepted: 23th August 2024

Online: 24th August 2024

KEYWORDS

Қийнаш, дифференциация, муттасил, дўппослаш, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам шахсга нисбатан, жисмоний дахлсизлик.

ABSTRACT

Мақола қийнашга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида Жиноят кодексида қийнаш учун жавобгарлик белгиланган норма юридик таҳлил қилиниб, суд-тергов амалиёти, қийнаш учун жавобгарлик белгиланган айрим хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Жиноят кодекси 110-моддасини такомиллаштириш, қийнаш учун жавобгарликни дифференциация қилишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”[1] ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22



апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” [2] ги Қарори қабул қилинди. 2020 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” [3] ги фармони қабул қилиниши мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадам бўлишига қарамасдан, 2019 йилда 14 та жиноят иши бўйича 24 нафар шахсга нисбатан, 2020 йилда 21 та жиноят иши бўйича 26 нафар шахсга нисбатан, 2021 йилда 30 та жиноят иши бўйича 33 нафар шахсга нисбатан, 2022 йилда 42 та жиноят иши бўйича 60 нафар шахсга нисбатан, 2023 йилда 46 та иш бўйича 65 нафар шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқарилгани [4] мазкур жиноятларнинг динамикаси ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Айни дамда қийнашнинг латентлик даражаси жуда юқори бўлиб, жиноятга оид статистик маълумотлар ҳақиқий ҳолатни акс эттира олмаётганлиги, вазиятни янада чигаллаштираётганлиги боис ушбу мавзунини тадқиқ этиш зарурати мавжуддир.

Суд-тиббий эксперти баданга етказилган жароҳатларни муттасил равишда дўппослаш ёки қийнаш деб баҳоламайди. Мазкур масалани аниқлаш суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг ваколатига киради. Бироқ суд-тиббий эксперти мазкур ҳолатда жароҳатнинг борлиги ва хусусиятини; жароҳатларни етказиш муддатларидаги фарқни, жароҳат етказиш усулининг белгилари ва қуролини аниқлаши лозим. Қийнаш жабрланувчининг танасига дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш орқали унинг соғлиғига зарар етказиш сифатида тавсифланади. Бинобарин, қийнаш натижасида шахс танасига жисмоний оғриқ етказилади (қон кетиши, тирналиш, тери рангининг кўкариши ва бошқ.). Шу нуқтаи назардан қийнаш деганда, жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида бошқа шахсни муттасил равишда дўппослаш ёки узоқ вақт оғриқ бериш орқали бошқача ҳаракатлар билан қийнаш тушунилади.

Жиноятнинг бевосита объекти бошқа шахснинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. *Объектив томондан* қийнаш жинояти, *биринчидан*, муттасил равишда дўппослаш, *иккинчидан*, ҳуқуққа хилоф равишда жисмоний оғриқ берувчи қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқача зўравонлик ҳаракатларида ифодаланади. Аммо, ҳар икки ҳолатда ҳам жиноий оқибат сифатида Жиноят кодексининг 104–105-моддаларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқмаган бўлиши керак. Агар қийнаш жараёнида баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш бундай жароҳат етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, Жиноят кодекси 104 ёки 105-моддаси билан квалификация қилинади ва унда қилмишни Жиноят кодекси 110-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди [5].

Муттасил равишда дўппослаш деганда, жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва шахс баданига камида уч марта содир этилган зарба бериш тушунилади. Шунинг учун қийнаш хусусиятига эга бўлмаган ҳолда жабрланувчини уриш, дўппослаш (масалан, ўзаро келишмовчилик асосида келиб чиққан жанжаллашиш оқибатидаги дўппослаш) Жиноят кодекси 110-моддасида



назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этмайди. Агар дўппослашдан сўнг жабрланувчининг танасида жароҳатлар қолса, уларнинг оғирлик даражаси баданга етказилган шикастнинг оғирлик даражасини аниқлашнинг умумий асосларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Агар дўппослашдан сўнг шахс баданида объектив излар қолмаса, суд-тиббий эксперти ўз хулосасида жабрланувчининг шикоятларини келтириб, жароҳатларнинг объектив белгиларининг топилмаганлигини кўрсатиши керак.

Бошқача ҳаракатлар билан қийнаш деганда, жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида узоқ вақт оғриқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилади. Масалан, узоқ вақт овқат, ичимлик, иссиқлик, бошпанадан маҳрум этиш ёки соғлиқ учун зарарли шароитда қолдириш, чимчилаш, тилиш, ўтмас ёки ўткир санчма предметлар билан кўп сонли, лекин катта бўлмаган жароҳатлар етказиш, термик омиллар ёки шу каби бошқа таъсирлар орқали оғриқлар бериш. Бошқача ҳаракатлар билан қийнаш муттасил равишда ҳам, бир марталик узоқ вақт оғриқ бериш усулида ҳам содир этилиши мумкин. Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш ҳаракатлари жиноят таркибини ташкил этиши учун жабрланувчининг баданига жисмоний оғриқ етказилиши талаб этилади. Жабрланувчига етказилган руҳий оғриқлар қийнаш жинояти таркибини ташкил этмайди ва қилмишни баҳолашга таъсир кўрсатмайди. Агар руҳий жиҳатдан берилаётган оғриқлар жисмоний оғриқ билан бирга содир этилган тақдирда, қилмиш Жиноят кодекси 110-моддаси билан квалификация қилинади. Шу боис муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш жисмоний ёки руҳий оғриқлар билан сабабий боғлиқ ҳолда содир этилган бўлиши лозим. Бунда қийнаш хусусиятига эга бўлган қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасида боғлиқлик аниқланиши керак.

Жиноят кодекси 110-моддасининг иккинчи қисмида таҳлил этилаётган жиноятнинг қуйидаги квалификацияга оид бўлган турлари назарда тутилган: а) вояга етмаган шахсга нисбатан; б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган қийнаш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қийнаш учун жавобгарлик белгиланганлиги, шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги мамлакатимиз жиноят-хуқуқий сиёсатининг диққат марказида эканлигини ифодаловчи белгилардан биридир. Шахс унинг жисмоний дахлсизлигининг жиноят-хуқуқий муҳофазасини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Шу мақсадда қийнашга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий чораларини такомиллаштириш мақсадида илмий тадқиқотлар ўтказиб, тадқиқот натижаларига кўра қийнаш учун жавобгарлик белгиланган 110-моддани такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Суд-тергов амалиётида қийнашни ўхшаш таркибли жиноятлардан, жумладан оилавий (маиший) зўравонлик (126¹-модда) учун жавобгарлик белгиланган норма билан фарқлаш муҳимдир. Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш хотини (эри), собиқ хотини (собиқ эри), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс (муайян хонадон ёки уйда эр-хотинлик муносабатларида яшовчи, умумий мол-мулк ва пул маблағларига эгалик қилувчи эркак ҳамда аёл)га ёки умумий



фарзандга эга бўлган шахс (ўзаро муносабатлари натижасида фарзандли бўлган эркак ва аёл тушунилади)га нисбатан содир этилган бўлиб, баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилмаган бўлса, қилмиш ЖК 110-моддаси тегишли қисмлари билан квалификация қилиниши лозим.

Фикримизча шахсни миллий, ирқий, этник, диний адоват замирида қийнаш учун жавобгарликни дифференциация қилиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятлар (ЖК 97,104,105,173,235-моддалар)да қилмишни мазкур мотив билан содир этиш учун жавобгарлик алоҳида оғирлаштирилганлиги, шунингдек Россия Федерацияси (ЖК 117-модда) [9], Қозоғистон Республикаси (ЖК 110-модда), Қирғиз Республикаси (ЖК 138-модда) [6], Арманистон Республикаси (ЖК 119-модда) [10] жиноят кодексларининг қийнаш учун жавобгарлик белгиланган нормаларида қийнашни миллий, ирқий, этник, диний адоват замирида” содир этиш квалификациявий белги сифатида белгиланганлигини ижобий тажриба сифатида баҳолаб, мазкур таклиф суд ва тергов органлари ходимлари ўртасида ўтказилган анкета-сўровда иштирок этган респондентларнинг кўпчилиги (71 фоиз) томонидан маъқулланганлигини таъкидлаб, ЖК 110-моддасининг 2-қисмини “миллий, ирқий, этник, диний адоват замирида” деган банд билан тўлдириш лозим.

Бундан ташқари, айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан содир этилган қийнаш учун жавобгарликни дифференциация қилиш лозим, чунки қийнаш объектив жиҳатига кўра ўхшаш бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун жавобгарлик белгиланган 103-моддаси 2-қисми “а” бандида моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан содир этилганлиги учун жавобгарлик оғирлаштирилган. Шунингдек Россия Федерацияси (ЖК 117-модда 2-қисми) [9], Беларусь Республикаси (ЖК 154-модда 2-қисми) [11], Қозоғистон Республикаси (ЖК 110-модда 2-қисми), Қирғиз Республикаси (ЖК 138-модда 2-қисми) [6], Арманистон Республикаси (ЖК 119-модда 2-қисми) [10] жиноят кодексларининг қийнаш учун жавобгарлик белгиланган нормаларида қийнашни айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан содир этиш квалификациявий белги сифатида белгиланганлигини, мазкур таклиф суд ва тергов органлари ходимлари ўртасида ўтказилган анкета-сўровда иштирок этган респондентларнинг кўпчилиги (69 фоиз) томонидан маъқулланганлигини таъкидлаб, ЖК 110-моддасининг 2-қисмини “моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам шахсга нисбатан” деган банд билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Жиноят кодексига қилмишни икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, суд-тергов материалларини таҳлили, қийнаш аксарият ҳолларда икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилишини кўрсатди. Мазкур ҳолат МДҲ давлатларининг деярли барчасида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланишини и, Ўзбекистон Республикаси ЖК 110-моддаси 2-қисмини “икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан” деган банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб, юқорида келтирилган таклиф ва тавсифларни Жиноят кодексига киритилиши, келгусида суд-тергов амалиётига қийнашга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий чораларини кучайтиришга, қийнашнинг турли кўринишлари учун



жавобгарликни дифференциация қилинишига, содир этилган қилшишнинг ижтимоий хавфлигига муносиб санкциялар белгиланишига хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” [1] ги Қонуни <https://lex.uz/acts/4494709>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [2] ги Қарори <https://lex.uz/docs/4302023>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони <https://lex.uz/docs/4872355?ONDATE2=21.04.2022&action=compare>.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 2 февралдаги 07/14-1866-105-рақамли жавоб хати
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» ги 2007 йил 27 июнь 6-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/1592419>.
6. Қирғиз Республикаси Жиноят кодекси // <https://online.zakon.kz/document>.
7. Молдова Республикаси Жиноят кодекси http://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=2228;-48.
8. Эстония Республикаси Жиноят кодекси // https://www.legislationline.org/download/id/6462/file/Estonia_CC_as_of_2002_ru.pdf.
9. Россия Федерацияси Жиноят кодекси: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/.
10. Арманистон Республикаси Жиноят кодекси: <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show>.
11. Беларусь Республикаси Жиноят кодекси: https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm.